O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

Миллий тикланиш — миллат келажаги

# MILLIY TIKLANISH

2006-yil, 19-aprel, chorshanba, 16 (346)-son.

Gazeta 1995-yil, 10-iyundan chiqa boshlagan

Haftalik gazeta

O'zbekiston "Milliy tiklanish" demokratik partiyasining ijtimoiy, siyosiy, iqtisodiy gazetasi

САХИФАЛАРНИ ВАРАКЛАГАНДА

**«СУЮНЧИ БЕРИНГ, ХОТИНИНГИЗ ЎҒИЛ ТУҒДИ»**

*Жисмонан ва маънан тайёр бўлмаган қизни қандай қилиб турмушга бериш мумкин? У ҳали гўдак-ку, қандай соғлом бола туғади-ю, қандай тарбиялай олади?!*

2-бет

**ИСЛОМ ТАСАВВУФИ МАНБАЛАРИ**

*Нафс, манфаат илинжи одамларни ҳамиша турли куйларга солади.*

3-бет

# ТОҒЛАРДАН ЗЎР УНИНГ БАРДОШИ

*«Миллий тикланиш»чилар ташаббуси билан ўтказилган истеъдодли мусаввир* ***Олимжон МАТСАФОЕВ*** *ижодига бағишланган кўргазмада*

Ўзбекистон Бадиий Академияси ИКУО Хироема номли «Халқаро Маданият карвонсаройи»га қалблари эзгуликка тўла ижод аҳли йиғилди. Асарларни томоша қилар эканман, рассом онасининг портрети олдида узоқ вақт тўхтаб қолдим. Бу асар Олимжоннинг дастлаб қўлига қалам олганда чизган сурати экан. Рассом онасининг меҳрли кўзларини шундай гўзал тарзда акс эттира олганки, беихтиёр кўз олдимда мени маъюсгина йўлга кузатиб, эшикка суяниб турган онамнинг сиймоси гавдаланди. Ҳа, оналарнинг бегонаси бўлмас экан. Ҳеч қандай рассомчилик олийгоҳини тамомламаган ва профессионал рассомлар даражасида суратлар чизаётган бу йигит келажакда бизнинг Леонардо да Винчимиз бўлса не ажаб!

Зални айланиб юриб «Варрак учираётган болалар» деб номланган асарга кўзим тушди. Баҳор, кенг яйлов, бир тўп болалар варрак учираяпти. Бу асарни кўрган ҳар бир киши болалигини, шўхшодон дамларини эсга олиши табиий. Балки, бу сурат Олимжоннинг болалик армонлари тасвиридир...

Олимжон камгап, кулгулари синиқ йигит экан.

— Кўргазмамнинг ўтказилишига бош бўлган устозим, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгаши котиби, Ўзбекистон санъат арбоби Ортиқали Қозоқовга минг таъзим, — дейди у.

ЎзМТДП Марказий кенгаши номидан Хайринисо Мирзажонова Олимжонга эсдалик совғаларини топширди. Айниқса, таниқли дуторчи Мирсодиқ Эргашевнинг самимий сўзлари йиғилганларнинг эътиборини тортди. У:

— Олимжоннинг тўйида ўзим хизмат қиламан, — деб, янгигина дўпписини Олимжонга кийдириб қўйди. Мирсодиқ аканинг дуторда ижро этган «Тановар» куйи дилларни титратиб юборди.

Кўргазмадан қайтар эканман, дилимга беихтиёр мисралар келди:

***Рангин дунё бунчалар рангин,***
***Англолмаймиз, гоҳ ҳар ён чопиб.***
***У-чи, чизар армон суратин,***
***Чизар дарднинг рангини топиб.***

***Ташлаб кетган бевақт болалик,***
***Лек ундан йўқ гина-алами.***
***Оёқлари етмаган жойга,***
***Олимжонни етар қалами.***

***Синиқ кулиб енгади барин,***
***Тоғлардан зўр унинг бардоши.***
***Қирқ йил дардин чекиб улгурган,***
***Йигирмани кўрган бу боши.***

***Йигитман деб юрибман мен ҳам***
***Гоҳ мақтаниб, кўксимга уриб,***
***Уяляпман, юролганимдан***
***Олимжоннинг ёнида туриб.***

**Муҳаммаджон РАҲМАТОВ**

## *Тадбиркорлик ва касаначилик ривожи*

**Халқимизнинг эзгу удум, анъаналари, ёруғ ниятлари кўп. Ўғилдир, қиздир, фарзандлар бўйга етгач, уларнинг бошини икки қилиш ҳаракати бошланади. Ва бу ёруғ ният томон совчилик орқали илк қадамлар қўйилади. Икки томон бир-бирининг оилаларини, келин ёки куёв бўлмишнинг хислатлари, фазилатларини суриштиришади. Бу суриштирувларда шаксиз «Куёв (ёки келин) бўлмишнинг ҳунари борми?» деган савол ўртага тушади. Кўриниб турибдики, элимизнинг турмуш тарзида ҳунарнинг ўрни беқиёсдир.**

# «КУЁВНИНГ ҲУНАРИ БОРМИКАН?»

Президентимизнинг «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонининг эълон қилиниши кўп қатори фарзандлари билан хонадонларининг ўзида иш бошлаб, уни ривожлантириш орзусида юрган ҳунармандларнинг ҳам кўнглидагидек иш бўлди. Тикувчилик, атторлик, ипакчилик, қайта ишлаш соҳасида, мебел, хизмат кўрсатиш тармоқларида ҳам касаначиликни ривожлантириш режалаштирилди. Бу эса ишлайман, деганлар учун ҳар томонлама манфаатлидир.

Марғилон азал-азалдан ўзбек элининг беқиёс анъаналарини, урф-одатларини улуғлаб, авлоддан-авлодга етказиб келаётган уста-ҳунармандлар шаҳри. Бу шаҳарнинг ҳунармандлари томонидан тўқилган атласлар, тикилган чопону дўппилар, косибчилик намуналарининг довруғи дунёга кетган.

Марғилонда болаларни ёшликданоқ ҳунарга ўргатишади. Ҳунарли киши хор бўлмас. Бу гўшада бирор хонадон йўқки, ҳунар билан шуғулланмаса. Аёлларнинг аксарияти уйда, албатта, бекор эмас. Бири дўппи тикади, бири тўн, яна бириси тикувчи. Бугунги кунда ўз уйида цехлар ташкил қилиб, шогирдлар етиштираётган, ўз ҳунарини ёшларга ўргатаётган усталар жуда кўп.

Президентимизнинг Фармони ҳунармандлар учун катта имтиёз бўлди. «Корхоналар билан меҳнат шартномаси тузган касаначилар банд аҳоли тоифасига киради ва уларга меҳнат дафтарчаси берилади, пенсиялар ва ижтимоий суғурта бўйича нафақалар тайинлашда ишлаган вақти меҳнат стажига қўшилади». Бу тарихий янгилик бўлди. Аёлнинг оддийгина юмуш деб ҳисоблайдиган ҳунари давлат эътиборига чиқди. Бу, албатта, ўз самарасини беради.

**Саида ХЎЖАЕВА,**
**Марғилон шаҳар тарих музейи ходимаси**

# МАҲАЛЛАСИН АЗИЗИДИР, АЗИЗА!

Бешарикда бир аёл бор. Исми феълига ярашиб кетади — Азиза. Ғайрати эркакникидан ўтса ўтади. Эл-улусим дейди, елади, югуради, чарчадим демайди. "Навбаҳор" маҳалла фуқаролар йиғини раисаси Азизахон Жўраева катта-кичикнинг қалбидан ўрин олган аёл. Маҳалла йўллари равонлашди, газ, ичимлик суви ва электр таъминоти яхшиланди. Гилам тўқиш, мебел ясаш, нон ишлаб чиқариш цехлари ташкил этилиб, қўшимча 21 та ишчи ўрни яратилди.

— Ўз-ўзини бошқариш органларига, маҳаллаларга жуда катта имтиёз ва имкониятлар берилаётир, — дейди Азиза Жўраева. — Шунга яраша ишлашимиз лозимлигини ҳар дақиқа ҳис қилиб турибмиз. Ўзбекистонимиз истиқболи йўлида хизмат қиладиган, садоқатли ёшларни тарбиялаб вояга етказсаккина бахтиёр бўламиз.

*Турғунбек МАҲКАМОВ олган сурат*

# КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ЖАМИЯТ САРИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтида Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонунининг мониторинги натижалари юзасидан давра суҳбати бўлиб ўтди.**

Давра суҳбати Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш Дастури тўғрисида»ги Қарори билан тасдиқланган Давлат қурилиши ва бошқаруви, қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг роли ва таъсирини кучайтириш соҳасида ислоҳотларнинг устувор йўналишларини амалга ошириш концепциясига мувофиқ ўтказилди.

Таъкидлаш жоизки, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини такомиллаштириш масалалари давлат сиёсатининг ажралмас таркибий қисми ва мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислоҳотларнинг муҳим устувор йўналиши ҳисобланади. Ушбу масала Ўзбекистон Республикаси Президентининг доимий диққат марказида. Мустақиллик йилларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ривожлантириш, роли, ваколатлари ва таъсирини кучайтириш учун зарур бўлган барча ҳуқуқий асослар ва кафолатлар яратилди.

Ушбу тадбирнинг фуқаролар йиғини раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчиларига бўладиган сайловлар арафасида ўтказилгани жамоатчилик ўртасида алоҳида қизиқиш уйғотди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари миллий урф-одатлар ва қадриятларни мустаҳкамлашда, аҳолига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатишда муҳим ўрин тутади.

*(Давоми 2-бетда)*

## КИМ НИМА ДЕДИ?

***«Жаҳл чиққанда одам диндан чиқади, дейишади. Йўқ, одам жаҳли чиққанида динга кириши керак».***

*С.САФАРОВ, Жиззах*

# ФАОЛЛАР ТАШАББУСИ

**ЎзМТДП Оҳангарон туман кенгаши ташаббуси билан туманда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзМТДП Марказий кенгаши котибаси Шарифа Салимова билан учрашув ўтказилди.**

**«Сиёсий партиялар фаолиятида хотин-қизларнинг ўрни ва роли» мавзуидаги мулоқот қизиқарли ўтди. Тадбирда узоқ қишлоқлардан келган хотин-қизлар, талабалар, битирувчи синф ўқувчилари иштирок этишди.**

***

ЎзМТДП Самарқанд вилоят кенгаши ташаббуси билан 6 апрел пайшанба куни Регистон майдонидаги Давлат музейида "Ҳазрати Ҳизр масжид-мажмуаси — муқаддас қадамжо" мавзуида тадбир ўтказилди.

***

**Бутунжаҳон саломатлик куни муносабати билан 7 апрел жума куни партиянинг Сурхондарё вилояти Ангор туман кенгашида "Меҳрибон шифокорлар" номли тадбир бўлиб ўтди.**

***

Партиянинг Жиззах вилояти Арнасой туман кенгашида 8 апрел шанба куни партиянинг хотин-қизлар қаноти ташаббуси билан "Хотин-қизлар сиёсий фаоллигини ошириш давр тақозоси" мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

***

**ЎзМТДП Тошкент шаҳар Миробод туман кенгаши томонидан 8 апрел куни А.Фитрат номли маҳаллада "Амир Темур ва Темурийлар тарихи даври" мавзуида давра суҳбати ўтказилди.**

***

10 апрел душанба куни ЎЗМТДП Сирдарё вилоят кенгашида "Аёлларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш" мавзуида партия ўқуви ташкил қилинди.

***

**Партиянинг Қашқадарё вилояти Қамаши туман кенгашида 10 апрел куни "Бошланғич партия ташкилотлари ва улар олдидаги долзарб вазифалар" мавзуида конференция ўтказилди.**

***

ЎзМТДП Жиззах вилояти Ғаллаорол туман кенгаши томонидан 10 апрел куни Ғаллаорол касб-ҳунар коллежида "Ёшлар — миллат келажаги" мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

***

**11 апрел сешанба куни партиянинг Сирдарё вилоят кенгаши ташаббуси билан "Китобхон ва миллий тикланиш" мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.**

ЮКСАККА ПАРВОЗ ИЛК ҚАДАМДАН БОШЛАНАДИ

# УЗУМИНИ ЕНГ, БОҒИНИ СЎРАНГ

**Табиатнинг нақадар мўъжизакор ва мафтункорлигини боғ аро юрган билар. Бир новданинг илдиз отиб, япроқ чиқариб, гулга кириб то мева бергунча бўлган даврини инсон умрига қиёслагимиз келади. Худди туғилиб то камолга етгунча бўлган даври гўёки бир-бирига боғлиқдай.**

**Жаҳонда ҳеч бир халқ ўзбегимдек боғбонлик ҳадисини олмаган бўлса керак. Бобокалонларимиз Алишер Навоий, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Бобур Мирзоларнинг яратган боғлари довруғи тарих зарварақларида муҳрланган...**

**Биз-чи, боғларнинг қадрига етяпмизми? Афсуски, жуда кўп вилоятларда узоқ йиллар давомида, машаққатли меҳнатлар эвазига яратилган боғлар бугунга келиб қаровсиз бўлиб қолди. Кўплаб сархил мевали дарахтлар қуриб битаётган, кесилиб кетаётган, уларнинг ўрни йўқолаётган эди.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори эълон қилиниши энг долзарб муаммоларни ҳал қилиш учун ҳуқуқий имкон яратди. Бу икки муҳим ҳужжат асосида мева-сабзавотчилик ва узумчилик хўжаликлари негизида шу тармоқлар ихтисослашган фермер хўжаликлари тузилди.

Бугунги кунда 40 мингдан ортиқ фермер хўжаликлари ташкил қилиниб, уларнинг ихтиёрига 320 минг гектардан зиёд ер майдони ажратиб берилди. Деҳқон тили билан айтганда, боғ-роғлар, узумзорлар, сабзавот етиштириладиган ер майдонлари ўз эгаларини топаётир.

Энди ҳар бир фермер хўжалигининг ўзига муносиб номи, муҳри ва штампи бўлиши шарт. Фермер мустақил бўлди. У ўзининг нималарга қодир эканини кўрсатиш учун дастлабки қадамини қўйди — танловда ғолиб чиқиб, боғ-роғларни сотиб олди. Юксакка парвоз илк қадамдан бошланади. Аммо янги ташкил этилган фермер хўжаликлари раҳбарларининг бундан буён қонун доирасида иш юритиш тажрибаси ҳам, ҳуқуқий, иқтисодий, ҳисоб-китобий билимлари ҳам етарли эмас. Юқоридаги иккита ҳужжатда эса мева-сабзавотчилик, узумчилик соҳасидаги янгидан ташкил этилган фермер хўжаликларига ҳар тарафлама ёрдам меъёрлари белгилаб, уларнинг ҳуқуқий асослари кўрсатиб ўтилган.

Мазкур фармон ва қарорнинг қандай ижро этилаётганини ўрганиш прокуратура органлари ходимлари томонидан давом эттирилаётир. Аниқланишича, ташкил этилган фермер хўжаликларининг Наманган, Тошкент ва Самарқанд вилоятларида белгиланган муддатларда ҳисоб рақамлари очилмаган, муҳр ва штамплар олинмаган.

Энг ачинарлиси, тугатилаётган айрим хўжаликларда дебитор ва кредитор ҳамда иш ҳақидан қарздорликларни ўз вақтида бартараф этишга қаратилган чоралар кўрилмаган. Албатта, бундай қонун бузилишлари ўзаро ҳисоб-китоблар тўғрисидаги қонунлар ижросида ҳам жиддий камчиликлар борлигидан далолат бериб турибди. Ахир бу қарзлар неча-неча хўжаликлар аллақачон молиявий инқирозга юз тутганидан далолат эмасми?

Дебиторку бир кам ўзиникидай гап. Кредиторлик қарздорликлар-чи? Бу боқимандаликнинг бир кўриниши эмасми?

Айниқса, қишлоқларда маошга умид боғлаб яшаётган оилалар ойликларини ойма-ой олмаса, уларнинг бир ташвишига икки ташвиш қўшилади-ку! Сирдарё, Сурхондарё, Наманган ва Тошкент вилоятларининг ўзида 404 миллион сўмлик иш ҳақлари ўз вақтида берилмади.

*(Давоми 2-бетда)*

MILLIY TIKLANISH
Миллий тикланишт — миллат келажаги

# УЗУМИНИ ЕНГ, БОҒИНИ СЎРАНГ

Не-не умидлар билан дарахт экиб боғлар яратган, уруғ сепиб сабзавот етиштирганлар ўзига тегишли мулкий пайларини ҳам ололмаса, уларнинг ҳақини вақтида беролмаган ўша хўжалик раҳбари-ю шу ҳудуддаги ҳокимликлар раҳбарларининг парвойи фалак бўлса! Текширишлар ўтказилганда тугатилган хўжаликларнинг 47,6 миллиард сўмлик сотилган мол-мулкларидан 24,6 миллиард сўми ёки ярмидан кўпроғи ундирилмагани аниқланди. Наманган, Самарқанд, Тошкент, Жиззах, Хоразм ва бошқа вилоятларда аҳвол ташвишли.

Режалаштирилган инфратузилма объектларини ташкил этишда ҳам Тошкент вилоятида қолоқликка йўл қўйилган. Муқобил машина-трактор парклари ташкил қилишга масъулиятсизларча ёндошилган.

Наманган вилоятининг бир қатор туманларида ширкат хўжаликлари ҳисобидаги боғ ва токзорларнинг фуқароларга сотилишидан тушган пул маблағлари банкка топширилмасдан, мақсадсиз сарфлаб юборилган. Боғ ва токзорлар қалбакилаштирилган ва сохталаштирилган ҳужжатларга асосан арзон нархларда сотиб юборилган. Натижада хўжаликлар жуда кўп миқдорда зарар кўрган.

Текширишларда айрим ҳолларда танловга сохта ҳужжатларни тақдим қилиш, «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонун ҳамда Республика қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг буйруғи билан тасдиқланган низом талабларига амал қилмаган ҳолда танлов ғолибларини аниқлаш ҳолатларига йўл қўйилган. Фарғона вилояти Қувасой шаҳридаги «Беҳизор» ширкат хўжалигини фермер хўжаликларига айлантириш бўйича комиссиясига талабгорлардан бири трактор ҳалқ бежиз ишлатилмаган экан. Айрим мансабдор шахслар томонидан тугатилаётган ширкат хўжаликларининг мол-мулклари талон-тарож қилинганлиги аниқланди. Бўстонлиқ туманидаги Амир Темур номли ширкат хўжалигида ғалла ўриш комбайни, 2 дона омоч, 33 бош майда шохли моллар, жами 1 миллион 400 минг сўмлик мол-мулклар ўзлаштириб юборилган. Бундан ташқари, хўжалик мансабдор шахслари томонидан тегишли идоралардан рухсатнома олмасдан 10 миллион 500 минг сўмлик вино маҳсулотлари улгуржи равишда сотиб юборилган. Бўстонлиқ туманидаги «Хўжакент» ширкат хўжалиги мансабдор шахслари томонидан 12 миллион 900 минг сўмлик музлатгич жиҳозлари ва 762,6 минг сўмлик темир бостирма жиҳозлари талон-тарож қилиниб, хўжаликка 13,7 миллион сўмлик зарар етказилган.

Оҳангарон туманидаги «Дўстлик» ширкат хўжалигида автогараж, техникалар, бино ва ёқилғи қуйиш шахобчаси 2004 йил 13 мартдаги хўжалик аъзоларининг умумий йиғилиш баённомаси сохталаштирилган ҳолда фуқаро У.Ортиқовга берилиб, муқобил машина-трактор парки тузилганлиги аниқланган. Шу тумандаги «Ангрен» ширкат хўжалиги мансабдор шахслари хўжалик ҳисобидаги тракторни Ўрта Чирчиқ туманидаги «Истиқлол» акциядорлик жамиятига ижарага берган бўлса-да, 4 миллион 700 минг сўмлик ижара пулларини ундирмаган. Тошкент туманидаги «Иззат» фермер хўжалиги раҳбари Х.Зупаров тумандаги А.Навоий номли ширкат хўжалигини фермер хўжаликларига айлантириш бўйича махсус комиссияга Тошкент халқ хўжалиги институтини тамомлагани ҳақидаги сохта дипломини тақдим этган.

Бундай қонунбузарликларга Сурхондарё ва Самарқанд вилоятларида ҳам йўл қўйилган.

Тошкент вилоятида комиссиялар томонидан ширкат хўжаликларининг дебитор ва кредитор қарзларини бартараф қилиш ҳамда фермерларга хизмат кўрсатувчи инфратузилма объектларини ташкил этишда сусткашликка йўл қўйилганлиги учун вилоят Марказий банки, МТПлар бирлашмаси, «Кучлук» ва «Пахта» нефт базалари раҳбарлари расман огоҳлантирилиб, вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасига тақдимнома киритилган.

Тугатилаётган ширкат хўжаликларининг мол-мулкларини сотиш, дебитор ва кредиторлик қарзларини ундириш ҳамда иш ҳақларини тўлаш чоралари кўрилмагани учун Пскент, Оққўрғон, Бўка туманлари ҳокимлари У.Абдуллаев, А.Ғофуров ва Н.Абдуллаевларга нисбатан интизомий жавобгарлик тўғрисида ишлар қўзғатилди.

Ширкат хўжаликларини қайта ташкил этишга доир ташкилий тадбирлар ижроси айрим ҳокимлик ва тугатиш комиссиялари томонидан тўлиқ таъминланмаганлиги ҳам текширишларда аниқланди.

Прокуратура органлари томонидан мазкур Фармон ва қарор ижроси юзасидан ўтказилган тадбирлар натижасида ҳокимликларнинг 36 та ноқонуний қарорларига протестлар келтирилган, 54 та тақдимномалар киритилган, хўжаликларни тугатиш ва хатлов комиссияларининг жами 3042 нафар аъзолари қонунбузарликларга йўл қўймаслик ҳақида расман огоҳлантирилганлар, жиддий қонунбузилишлар юзасидан эса 23 та жиноят ишлари қўзғатилган.

Мева-сабзавотчилик, узумчилик соҳасидаги иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришни ва шу соҳани ислоҳ қилиш бўйича қабул қилинган қонун, фармон ва қарорлар ижросини таъминламай, қонунбузилишларга йўл қўйганларга нисбатан прокуратура органлари қонуний чораларни кўраверади. Зеро, бу саъй-ҳаракатнинг негизида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш мақсади ётибди. Қишлоқ хўжалигининг истиқболи эса алал-оқибат инсонлар фаровонлиги йўлида хизмат қилади.

**Тугатилаётган ширкат хўжаликларининг мол-мулкларини сотиш, дебитор ва кредиторлик қарзларини ундириш ҳамда иш ҳақларини тўлаш чоралари кўрилмагани учун Пскент, Оққўрғон, Бўка туманлари ҳокимлари У.Абдуллаев, А.Ғофуров, Н.Абдуллаевга нисбатан интизомий жавобгарлик тўғрисида ишлар қўзғатилди.**

**Нурулло ЖАББОРОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси бўлими бошлиғи, адлия маслаҳатчиси**

(Боши 1-бетда)

## КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ЖАМИЯТ САРИ

Шу маънода, жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётида фуқаролик жамиятининг асоси бўлмиш ўзини ўзи бошқариш органларининг роли ва мақомини янада юксалтириш, ваколатлари ва масъулиятини ошириш ҳамда маҳалла фаолиятининг амалдаги норматив-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш йўлида амалга оширилаётган изчил янгиланиш ва ўзгаришлар жараёни «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунни янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Бу ўз навбатида, мазкур қонуннинг «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» моделига хос энг муҳим принципларни амалга ошириш борасидаги талабларига қанчалик жавоб бера олишини тизимли таҳлил қилиш ва истиқболини прогноз қилиш мақсадида унинг мониторингини ўтказиш заруратини вужудга келтирди.

Давра суҳбатини ўтказишдан кўзланган асосий мақсад фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига оид муносабатларни ҳуқуқий тартибга солувчи нормаларнинг ўзаро боғланиши, комплекслилиги ва уйғунлигини баҳолаш; қонунни қўллаш амалиётида мавжуд камчилик ва бўшлиқларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш юзасидан хулосалар ишлаб чиқиш; мониторинг натижасида қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектларини ахборот билан таъминлаш буйича тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат бўлди.

Давра суҳбатини институт раҳбари Ф.Отахонов кириш сўзи билан очди. Шундан сўнг «Маҳалла» жамғармаси раиси А.Гадойбоев, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати қўмиталари раислари А.Саидов ва М.Ражабова, шунингдек, Мониторинг институти бош илмий ходими С.Найимовлар сўзга чиқиб, фуқаролик жамиятини барпо этишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолияти ва тутган ўрни, мавжуд ютуқ ва камчиликлар хусусида ҳамда амалдаги ҳуқуқий асосларни ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини, аниқ таклифларини билдиришди. Шу билан бир қаторда қатнашчиларнинг саволларига асослантирилган жавоблар беришди.

Анжуман иштирокчиларига 523 нафар респондентлар ўртасида ўтказилган сўровлар натижаси, Бухоро ва Наманган вилоятларининг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари, «Маҳалла» жамғармаси ҳудудий бўлинмалари вакиллари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ходимлари ва фуқаролар билан бевосита суҳбатлар ташкил қилиниб, фикр-мулоҳазалар олинганлиги ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг асосий фаолият йуналишларига оид статистик ва бошқа маълумотлар тузилиб, қонун нормаларининг қўллаш даражасини баҳолаш мақсадида таҳлил қилинганлиги хусусида маълумот берилди.

Йиғилганлар Мониторинг институти томонидан ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуни ва уни амалда татбиқ этишнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштиришга қаратилган, илмий асослантирилган амалий тавсияларни маъқуллашди ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг роли ва ваколатларини ошириш бўйича билдирилган таклифларни қўллаб-қувватлашди.

**Миравзал МИРАҚУЛОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги етакчи илмий ходими**

(Боши 1-бетда)

## ШОҲИ ЗИНДА: КЕЧА ВА БУГУН

**Самарқанд шаҳридаги Имом Бухорий маънавиятини тарғибот қилиш марказида "Миллий тикланиш" демократик партияси вилоят кенгаши ҳамда вилоят бош имом хатиблиги ҳамкорлигида "Шоҳи Зинда: Кеча ва бугун" мавзуида конференция ўтказилди.**

Анжуманда партия фаоллари, шаҳардаги имом хатиблар, СамДУ профессор-ўқитувчилари ва талабалар иштирок этишди.

— Шоҳи Зинда мажмуаси ва унинг атрофи ўтган бир йил ичида давлатимиз раҳбари эътибори туфайли тубдан қайта кўрилди,— дейди конференцияни очган "Миллий тикланиш" демократик партияси вилоят кенгаши раиси А.Каримов.— Бу ердаги ҳар бир мақбара, хилхона, ғиштин супалар, деворлар, арабий ёзувлар қайта жило топди. Мажмуа атрофи ободонлаштирилиб, боғ-хиёбон барпо этилди. Шаҳардаги кенг кўламли ободончилик ишлари моҳиятини халқимиз англаб етсин.

Вилоят бош имом хатиби Усмонхон Олимов Шоҳи Зинда мажмуаси тарихи, Қусам ибн Аббос ҳазратлари ҳақида, мажмуа илмий ходими Х.Қаюмов эса Шоҳи Зиндадаги қадимий архитектура санъати ва унинг бугунги бетакрор намуналари хусусида гапирди. СамДУ ректори, профессор Темур Ширинов эса олимлар ва тарихчиларнинг диний уламолар билан ҳамкорилиги, хусусан, мана шундай конференциялар ўтказилиб турилиши талабалар дунёқараши шаклланишида муҳим рол ўйнашини, улар қалбида кўҳна шаҳар обидаларига қизиқиш ва муҳаббат уйғотишини алоҳида таъкидлаб ўтди.

**Зайниддин ЖУМАЕВ,**
**ЎзМТДП Самарқанд вилоят кенгаши раиси ўринбосари**

● *Бугуннинг мулоқоти*

## «СУЮНЧИ БЕРИНГ, ХОТИНИНГИЗ ЎҒИЛ ТУҒДИ»

**Хоразм вилояти туғруқ мажмуаси бош шифокори, тиббиёт фанлари доктори Омонгалди Машарипов ҳузурида.**

**— Омонгалди ака, аввало туғруқ мажмуаси ҳақида гапириб бersангиз.**

— Туғруқ мажмуасининг энг замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозланиши беморларни оз фурсатда тиббиёт талаблари даражасида даволаш имкониятларини кенгайтирди. Ҳар жиҳатдан ихтисослашган лаборатория ва дорихоналар ишлаб турибди. Айрим дорилар шу ернинг ўзида тайёрланмоқда. Мутахассисларимиз мунтазам равишда малака оширишмоқда. Лапороскопия асбоб-ускуналаридан самарали фойдаланилаётир. Тиббиётни ташхис аппаратларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ултратовуш диагностикаси, ташхис асбоблари аёллар саломатлигини ҳимоя қилишда муҳим восита. Пластик операция қилиш йўлга қўйилди. Ҳамма жорий этилаётган янгиликлар она-бола саломатлиги учун. Юксак технологиялар асри бўлса-да, аммо аёллар, айниқса, туғруқ ёшидагиларда касалликлар кўп учраб турибди. Юқумли касалликларнинг кўпайиши оналар ва болаларни ташвишга солаётир.

**— Аёллар ўртасида касалликлар кўпайиб кетаётир, дедингиз-а?**

— Ҳа, шифокорлар доимо ана шундай касалликларга дуч келганда, ҳушёр тортамиз. Масалан, гистоз буйрак касаллиги оқибатида пайдо бўлади. Бу касаллик келинчакларда ҳам учрамоқда. Ҳозир ҳар уч қизнинг бирида буйрак касали бор. Бу авлоддан ўтадиган касаллик эмас. Демак, ота-оналар қизларининг саломатлиги ҳақида қайғуришлари лозим. Камқонлик ҳам ҳар хил хасталикларни келтириб чиқаради. Овқатланиш меъёрини билганлар камқонлик азобини тортмайди. Маҳаллий шароитимизда турли витаминга бой сабзавотлар, мевалар етиштирилади, улардан ҳар хил таомлар тайёрлаб, истеъмол қилган киши ҳеч қачон камқон бўлмаслиги керак. Камқон, касалманд онадан соғлом фарзанд кутманг. Ҳар бир аёл ўз саломатлигига ўзи ғамхўр бўлиши лозим. Касалини яширсанг, иситмаси ошкор қилади. Ҳожибой Тожибоевнинг гапини эшитгансиз-а, ўзбекни жуда оғир аҳволга тушиб қолгандагина касалхонага келтиришади.

Яна бир муаммо — ота-оналар қизларини вояга етмасдан, вояга етса ҳам, турмушга тайёр бўлмасдан эрга бериб юборишаётир.

Жисмонан ва маънан тайёр бўлмаган қизни қандай қилиб турмушга бериш мумкин? У ҳали гўдак-ку, қандай соғлом бола туға-ди-ю, қандай тарбиялай олади?! Қизлар анемия, яъни камқонлик, репродуктив саломатлик тўғрисида ўрганишлари лозим. Қизларни турмушга тайёрлаш учун махсус курслар очиш керак, деб ўйлайман.

**— Омонгалди ака, пластик, яъни терини кўчириб ямаш операциялари бўйича илмий иш қилган экансиз.**

— Узоқ йиллар вилоят касалхонасининг куйиш бўлимида ишладим. Давр пластик операцияларни ривожлантириш кераклигини кўрсатяпти. Мана, яхши жиҳозланган мажмуада бу ишни йўлга қўйдик.



**— Жамоада кўпчилик аёллар. Аёлни аёл тушунади, дейишади. Сизга қийин бўлса керак-а?**

— Шу саволни кутгандим. Аёллар билан бирга ишлаш ҳам бахт. Чунки аёлларда масъулият кучли. Топширилган вазифани бекаму кўст бажаришга астойдил ҳаракат қилишади. Эркак эса доимо аёлнинг суянчиғи. Шунинг учун мен доимо уларнинг фикрлари билан ўртоқлашаман, уларни қўллаб-қувватлашга ҳаракат қиламан.

**— Бўлажак оналарга қандай маслаҳатлар берасиз?**

— Республикамиз мустақиллигининг дастлабки кунлариданоқ оналар саломатлигини муҳофаза қилиш борасида бир қанча қарорлар қабул қилинди. «Оналар ўлимини камайтириш чора-тадбирлари», «Фертил ёшидаги аёлларни соғломлаштириш» тўғрисидаги қарорлар айнан хотин-қизлар саломатлигини ҳимоя қилишга йўналтирилган. Шифокорларимиз туғиш оралиғининг уч йилдан кам бўлмаслиги кераклигини айтиб жон куйдирадилар. Айрим оилаларда бир йилнинг ўзида иккита фарзанд кўриш нимжон, носоғлом фарзандлар дунёга келишига сабаб бўлмоқда. Онанинг саломатлиги ҳам жиддий хавф остида қолади. Саломатлик маданияти ҳар бир хонадонга кириб бориши учун бор билимимиз ва тажрибамизни сарфлайверамиз. Жамиятга ҳам соғлом фарзандлар керак.

**— Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат.**

**Дилбар БЕКЖОНОВА**
**суҳбатлашди**

## «МАШҲУРА»НИНГ МАТБУОТ АНЖУМАНИ

### ёхуд 3250 сўмга бир чашка кофе ичиб эсим чиққани ҳақида

**«Машҳура» ўқув марказининг довруғи нафақат республикамизнинг чекка-чекка қишлоқларигача, балки қўшни давлатларга, қолаверса, хориж мамлакатларига ҳам етиб борган. Фирма иш юритиш бошлаганидан то шу кунгача 20 мингдан зиёд ёшлар ҳунарли бўлишди. «Машҳура» ўқув марказида ўқиш, ҳунар орттириш истагида бўлаётганлар сони кундан-кунга ортиб бораётгани ҳам фикримизнинг яққол далилидир.**

«Машҳура» фирмасининг ташкил этилганига 12 йил тўлиши муносабати билан «Дедеман» меҳмонхонасида оммавий ахборот воситалари ходимлари учун матбуот анжумани ўтказилди. Анжуман таклифномада ёзилгандан бир соат кеч бошланди. Вақтни олтиндан қиммат деб билган айрим журналистлар кутишга тоқат қилолмади. Мен бўлса бундай ҳашаматли жойларга ҳадеб келиб юрибманми, деб анжуман бошлангунча меҳмонхонани томоша қилишга қарор қилдим. Ён-атрофда турфа гуллар. Юмшоқ ўриндиқлардан бирига ўтиришим билан малласоч бир қиз ёнимга келиб: «Кофеми, чойми?» — деб сўради. «Кофе», — дедим. Бир оз вақт ўтгач, кичкина чашкада кофе келтирди. Хуллас, кофени ичиб улгурмасимдан ҳалиги қиз ёнимга яна ташриф буюрди. Бу сафар қўлида кофенинг нархи ёзилган чек бор эди. Кофенинг нархини кўрдиму ўзимни йўқотиб қўйдим. 3250 сўм. Ё тавба, ахир бу уч кунлик тушлик пули-ку!..

...Фирма директори «Машҳура»нинг ўтмиши ва келажаги ҳақида журналистларга батафсил маълумот берди. Фирма яқин кунларда ўзининг 12 йиллигини нишонлаш учун «Туркистон» санъат саройида катта байрам концертини ташкиллаштирган. Турли конкурслар эълон қилган. Сабр билан анжуманнинг бошланишини кутган журналистлар шу куни концертга таклифнома олиш бахтига муяссар бўлди. Матбуот анжумани-ку бир нав ўтди. Аммо кофе воқеасини сира ёдимдан чиқаролмаяпман.

**Оятилло ЖАББОРОВ,**
**«Миллий тикланиш» мухбири**



*Еру осмон туташган йўлда*
*Манзил олис, ниятлар яқин.*

*Хасан ПАЙДОЕВ олган сурат-лавҳа*

**Ҳар қандай мамлакатни иқтисодий ва маданий жиҳатдан модернизация қилиш вазифасини амалга оширишда фанни ва илмий инфратузилмани ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга эканлиги айни ҳақиқат. Буни республикамиз мисолида ҳам кўриш мумкин.**

# ТАЪЛИМШУНОСЛИК УФҚЛАРИ НИМАДА?

Ўзбекистон фундаментал ва амалий фан ютуқларини амалиётга жорий этишга асосланган тараққиёт моделига ўтиб, юқори малакали илмий кадрлар сонини кўпайтириш имкониятларига эга давлат. Ҳозирги кунда республикамизда 60 дан ортиқ олий ўқув юрти бўлиб, уларнинг 10 га яқини халқаро миқёсда эътироф этилган билим масканларидир.

Узлуксиз таълим асосига қурилган «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» изчиллик билан амалга оширилмоқда. Унинг пировард мақсади баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказиш, демократик тамойилларга содиқ кучли, эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш эканлиги Президентимиз Ислом Каримовнинг барча асарларида ҳамиша бўй кўрсатиб туради.

Маълумки, аспирантура ва докторантура узлуксиз таълимнинг юқори босқичи бўлиб, унинг асосий мақсади билимдон ва етук илмий кадрлар тайёрлаш. Фундаментал ва амалий тадқиқотлар назарий жиҳатдан таълим самарадорлигини оширади. Улар асосида методик қўлланма ва дарсликлар яратилади. Аммо кўпгина ҳолларда мана шу фундаментал илмий тадқиқотлар «асалидан ҳалво пиширишга» етарли аҳамият бермаймиз.

Бизда, илмий-услубий тадқиқотлар ёзиб ҳимоя қилинганда, одатда, педагогика фанлари номзоди ёки доктори илмий даражаси берилади. Табиийки, бунда тадқиқотнинг педагогика фани талаблари, ўқитиш услубига мувофиқлигига асосий эътибор қаратилади. Бу асли мақбул стратегия. Бироқ таълим инфратузилмасининг бугунги тараққиёти бу масалага бошқачароқ назар ташлашни тақозо қилмоқда. Албатта, педагогика тарихи, назарияси ва педагогик технология каби тарбияшунослик масалалари ўзи бир олам.

## Таклифим бор

Бизда етук математик, физик, тарихчи, биолог, геолог, тиббиётчи, техник, технолог ва тилшунос ўқитувчилар жуда кўп. Аммо уларнинг ўз фанлари бўйича педагогика фанидан илмий иш ёқлашга тоқатлари, фундаментал тадқиқот ёзиб ҳимоя қилиш учун эса мавзу қидиришга ҳафсалалари йўқ. Шунинг учун таълимшунослик бўйича илмий тадқиқот ёзиш жорий қилинса, жуда кўп мутахассисларимизнинг билимлари таълим жабҳасида ярқираб очилиб кетган бўлар эди. Мисол учун, инглиз тилини ўқитиш бўйича услубий тадқиқот яратган ўқитувчига «Педагогика фанлари номзоди» эмас, «Таълимшунослик фанлари номзоди» илмий даражаси берилади. Бошқа соҳаларда ҳам шу тартибда илмий даражалар белгилаб чиқилади.

Таълимшунослик бўйича илмий тадқиқот яратган мутахассислар таълимшунос-олим ҳисобланади, уларнинг мақоми академик тадқиқотлар бўйича илмий иш ёқлаган олимлар мақоми билан тенг кучга эга бўлади.

Таълимшунослик бўйича илмий ишлар яратиш учун бериладиган муддат ҳозирги аспирантура ва докторантура таълими нормативлари билан бир хил бўлиши мақсадга мувофиқдир. Илмий тадқиқот мавзулари Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта-махсус таълими вазирлиги ҳузурида ташкил этиладиган Мувофиқлаштирувчи Кенгаш томонидан тасдиқдан ўтказилади. Таълимшунослик бўйича илмий тадқиқотлар ҳозирча ОАК томонидан тузилган Ихтисослашган Кенгашлар ҳузурида ёқланиши мумкин. Кейинчалик улар учун ҳам алоҳида Ихтисослашган Кенгашлар тузиб берилади.

Ўзбекистон Фанлар Академияси ҳузуридаги Олий Аттестация Комиссияси, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта-махсус таълими вазирлиги мутасаддилари, шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг жонкуяр депутатлари бу таклифни бефарқ қолдирмайдилар, деган умиддаман. Илмий жамоатчилик бунга нима дейди?

**Икромиддин ОСТОНАҚУЛОВ,**
**филология фанлари номзоди**

Солиқлар мажбурий тўловлар бўлиб, пул муносабатларида юзага келади ва давлатнинг фаолияти учун моддий база яратиб беради. Давлат эса ўз навбатида мана шу маблағлар эвазига кўпгина ижтимоий неъматлар, турли хил нотовар маҳсулотлар яратади ва аҳолига тарқатади. Бу жараёндан кўришимиз мумкинки, жамики тўловчилар давлат бюджетига ўтказган "солиқ"лар сифатидаги тўловлари эвазига турли хилдаги ижтимоий неъматларни олишади. Шу тариқа "тарозининг икки палласи" тенглашади.

Бироқ алоҳида олинган солиқ тўловчи томонидан тўланган солиқ миқдори билан у истеъмол қиладиган ижтимоий неъматлар ўртасида тўғридан-тўғри боғлиқлик мавжуд бўлмаслиги мумкин. Масалан, солиқ тўловчи шу йили давлатнинг соғлиқни сақлаш ва маориф хизматларидан умуман фойдаланмаган бўлиши мумкин.

# «ТАРОЗИНИНГ ИККИ ПАЛЛАСИ»

Аммо солиқ тўловлари тўловчининг шахсан ўзига қайтмаса-да, унинг яқин қариндошларига, қўни-қўшниларига ва бошқаларга қайтгандир. Демак, солиқлар ноэквивалент хусусиятга эга бўлган тўловлардир.

Давлатга тўланадиган солиқлар билан унинг эвазига олинадиган иқтисодий ва ижтимоий неъматлар ўртасида бевосита, ҳар бир кишининг кўзи илғайдиган боғлиқликнинг йўқлиги, солиқ тўловчилар солиққа тортишни салбий баҳолашлари учун сабаб бўлади. Солиқ тўловчи, одатда, жамият ва ўзининг кўрган фойдаси ёки манфаатини тўлаган солиқлари билан солиштириб ўтирмайди. Оқибатда фуқароларнинг бир қисми солиқ тўлашдан бўйин товлашга, ўз даромадларини яширишга уринади. Бу жараённинг олдини олиш учун давлат ўз фуқароларидан йиғиб олган солиқларни янада самарали ва ошкора тарзда ишлатиши ҳамда фуқароларнинг аксарияти давлатнинг иқтисодий-ижтимоий ва бошқа дастурларини ўз маблағлари ҳисобидан пул билан таъминлашга имкон яратиб бериши керак.

**Бахтиёр ЖИЯНБЕКОВ,**
**Тошкент Молия институти талабаси**

# ПУЛ КАМ БЎЛСАЯМ, КЎП БЎЛСАЯМ БАЛО!

Ҳаётни, кундалик турмушни кузатиш асосида ҳар бир киши муомала бирлиги, олди-берди воситасига айланган пул ҳақида, бойликнинг қудрати-ю, ожиз нуқталари тўғрисида фикр юритади. Ўтмишнинг буюк кишилари ҳам бу борада ўзларининг қимматли фикрларини ифода этишган. Бу фикрларда, асосан, бойиб кетиш учун жуда катта ақлий ва жисмоний меҳнат қилиш керак, деган ғоя илгари сурилади.

Пул топиш жасоратни, пулни сақлаш мулоҳазани, уни сарфлаш эса иқтидорни талаб этади. Мамлакат фаровонлиги ҳар бир фуқаронинг фаровонлигига бевосита боғлиқдир. Умуман олганда, биз ҳаётни беш бармоғимизга қиёслаб кўрайлик. Масалан, бош бармоқ — соғлик, кўрсаткич бармоқ — иш, ўрта бармоқ — атрофдагилар билан мулоқот, номсиз бармоқ — ҳаёт мазмуни, жимжилоқни моддий аҳвол деб олиш мумкин.

Айнан мана шу моддий аҳволни яхшилаш борасида ўз пулига эга бўлган ва уларни йўқотишни истамаган кишиларга қуйидаги қоидаларни келтирамиз:

**пулингизни ўзингиз билган нарсага қўйинг;**

**таъсирларга берилманг;**

**режалар ҳисобига эмас, мулк ҳисобига пул қўйинг;**

**сотиш мумкин бўлган нарсагагина пул сарфланг;**

**ўз фойдангизни олинг;**

**ўз банкирларингизнинг сўзларини тингланг;**

**нархлар арзонлигида сотиб олинг, қимматлигида сотинг;**

**пулингизни ҳар доим айланиб туришини таъминланг;**

**қанча пул қўйиш мумкин бўлса, шунча қарз олинг;**

**манманлик учун эмас, ишингизни ривожлантириш учун қарз олинг;**

**пулингизни бутун бошли тармоққа қўйиб, нархнинг тебранишини кузатиб боринг.**

Пул кам бўлса, бир бало, кўп бўлса, яна бир бало! Етарли бўлса-чи? Лекин шундай бўлиши мумкинми? Қачон пулим етарли, бошқа керак эмас, деган одамни кўргансиз?

Унда пуллар эзгуликми ёки ёмонлик? Биласизми, пуллар ўз ҳолига яхши ҳам, ёмон ҳам бўлиши мумкин эмас. Пул борйўғи расмлар чизилган қоғозча. Биз эзгу қадриятларни рад этувчи хатти- ҳаракатларимиз, нотўғри амалларимиз, фойда кўриш йўлидаги ноҳалол ишларимиз билан пулларнинг у ёки бу рангда намоён бўлишига сабаб бўламиз.

Пул — моддийлаштирилган энергия. Бу энергия ҳар биримизда бор. Фақат кимдир уни моддийлаштира олади, кимдир эса йўқ. Ички энергияни моддийлаштиришнинг ягона йўли — меҳнат. Меҳнат бўлганда ҳам, ўзингиз севиб ва қониқиб қиладиган, нафақат моддий, балки маънавий фойда берадиган меҳнат. Аксинча бўлса, бу меҳнатдан ҳеч қандай наф бўлмайди. Қизиқарли ва севимли, асосийси, илҳом берувчи фаолият бизга бахт ва фаровонлик ҳадя этади.

Чин бойлик эса саломатликдир. Инсон фақат саломат бўлгандагина ҳаёт мазмунини тўла англайди. Шундагина у бекорга яшамаётганини ҳис этади.

**Фирдавс ИБОДОВ,**
**Тошкент Давлат Иқтисодиёт университети 4-курс талабаси**

# АХБОРОТ ДУНЁСИ

Ахборотлар маконидан зарур билимларни олиш, таълим жараёнига тегишлиларини таҳлил этиш, янгиларини яратиш ва ишлаб чиқиш билим жараёнининг манбаи эканлигидан талаба ёшларимизнинг хабардор бўлгани маъқул.

Тошкент ахборот технологиялари университетида анъанавий газетага нисбатан қатор афзалликларга эга «Ахборот дунёси» номли электрон газета нашр қилиш йўлга қўйилди.

**Элдор АКРАМОВ**

● *Маънавият хазинаси*

**Одамзот тарихга қараб, бугунига баҳо беради, эртага умид билан қарайди. Истиқлол тарихни ўрганишимиз учун имкониятлар очди. У бизни бу жиҳатдан ҳам баланд бир чўққига олиб чиқди. Бу чўққидан туриб қаралса, дунёнинг кўп жумбоқлари, ҳаётнинг талайгина муаммолари равшан кўринади.**

# ИСЛОМ ТАСАВВУФИ МАНБАЛАРИ

Тарих турмушнинг турфа хил, майда-чуйда ташвишларидан толиқиб, хира тортган хаёл-тасаввуримиз ойнасига кўнган чанг-ғуборларни артиб, ҳаётга дадилроқ қарашимиз учун кўзимизга нур, дилимизга қувват бахш этади. Чунончи, тасаввуф тўғрисидаги мақолалар, китоблар кишилар қалбига маънавий малҳам бўлди. Чунки ҳаётимизда рўй берган туб бурилишлар даврида жиддий муаммолар юзага келдики, ундаги ижтимоий-иқтисодий, маънавий-ахлоқий бўронлар кўпчиликни довдиратиб қўйди. Иқтисодиётдаги бесаранжомлик, нарх-навонинг кун сайин «сапчиб» бориши кўпчиликнинг дунёқараши-ю ахлоқини кескин ўзгартирди. Ёлғон гапириб, бир-бирини алдашдан андиша қилмаслик одатга айланди. Ўз манфаатини устун қўйиш табиий ҳол деб қарала бошланди. Кишиларимиз замонанинг бу зайлини ўзлаштиришда ўзаро мусобақага киришди. Бу ғаройиб «мусобақа»да атрофдагиларни туртиб-суртиб, олдинга ўтиб олганлар уддабурон, деб олқишланди. Дунёни англаш, ҳаётга муносабатнинг бундай тамойили — «аввал ўз манфаатингни ўйла» деган ақида ўзидан кўра бошқаларнинг нафини ўйлаб иш тутадиган кишиларни довдиратиб қўйди. Бундай кишилар: «Наҳотки янглишиб яшаган бўлсак? «Ўзингни эмас, ўзгаларни ҳам ўйла», — деган аждодларимиз хато қилишганми?», — дея ўйланиб қолишди. Аммо Аллоҳ барча бандаларига беҳад меҳрибон бўлгани боис бундай ташвишли ўйлар гирдобида қолиб, иккиланган бандалари учун ҳам таскин-тасаллилар етказди. Бу таскинлардан энг муборагги, шубҳасиз, тасаввуф таълимоти, унга амал қилган алломалар ҳаёт йўли ҳақидаги мақолалар, китоблар бўлди. Тасаввуф тарихнинг муҳташам обидаси янглиғ кўриниб, турли бўҳронлар гирдобига дуч келиб қолган одамларга дунёнинг аввали-ю охири ҳақида тушунча, тасаввур берди. Тасаввуф шунинг учун ҳам эътиборни тортдики, илоҳий асос — динга таянади. Одам ҳаёти билан боғлиқ барча муаммоларни Қуръони Карим оятлари ва пайғамбар ҳадислари асосида тушунтиради. Кескин ўзгаришлар, тўхтовсиз талотумлар даври одамлари эса шундай бир маънавий-маърифий мададга муҳтож эди.

Тасаввуф тарих сабоқларига асосланган эди. Аммо у бироз унутилган, элдан узоқлаштирилган таълимот эди. У хусусидаги китоблар одамлар ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар таъсирида тушкунликка тушган кезларда уларнинг кайфиятини кўтаришга туртки берди. Худбинлик тараққиёт омили сифатида олқишланиши жуда ҳам тўғри эмаслиги, ўзидан кўра ўзгалар манфаатини ўйлаб иш тутиш айб, гуноҳ саналмаслигини янада теранроқ англашга восита бўлди. Тасаввуф тўғрисидаги тадқиқотлар барча пайғамбарлару анбиёлар, сўфий авлиёлар ўзини эмас, ўзгалар нафини ўйлаб яшаб ўтгани ҳақидаги ғирашира тасаввурларни ойдинлаштирди. Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрор Валий, Жомий, Навоий каби зотлар эл манфаати учун ёниб яшаганлиги туфайли асрлар давомида ардоқланганини аён этди. Нажмиддин Комилов, Иброҳим Ҳаққулов, Султонмурод Олимов каби адабиётшунослар тасаввуф моҳияти, мазмунини элга етказишда ибратли мақолалар, китоблар эълон қилди. Уларнинг тасаввуф билан боғлиқ тадқиқотлари фаолиятида алоҳида бир босқичга айланди.

Тасаввуф тўғрисидаги катта-кичик тадқиқотлар мазмунидан шу нарса аён бўлдики, дунё азалдан талотўпга тўла. Нафс, манфаат илинжи одамларни ҳамиша турли куйларга солади. Сийму зарга ўчлик, таъмагирлик одамлар орасида ҳамма замонларда кузатилган. Пайғамбарлар замонида ҳам, саодатли асрларда ҳам одамлар ўз табиатларидаги такаббурлик, шуҳратпарастлик, молу дунёга ўчлик жабрини тортган. Биров бой бўлиб, биров камбағалона кун кечирган. Бировга яхшилик, бировга ёмонлик қилиб умрини ўтказган ҳар бир одам охир-оқибатда ўзини ўзи сўроқ қилган, билиб-билмай қилган хатоларидан ўкинган. Бировга ноҳақ жабр етказгани учун виждонан азобланган.

«Ислом тасаввуфи манбалари» китобида ҳам кишиларнинг кўнглини кўтариб, уларнинг тириклик мазмун-моҳиятини англашга яқиндан кўмакдош бўла оладиган салмоққа эга асарлардан парчалар жамланган. Ушбу китоб филология фанлари доктори, профессор Ҳамидулла Болтабоев томонидан тартиблаштирилган. Китобда тасаввуф назарияси ва тарихи тўғрисида анчагина маълумот берилган. «Аввал Қуръони Карим, суннатда тасаввуф» деб номланган сўзбоши мақолада кўплаб манбалар қараб чиқилгани, улардан фикр-қарашларни асослайдиган нуқталар пухта-пишиқ топиб қўллангани яққол билиниб туради.

«Ислом тасаввуфи манбалари» — илмий мажмуа. Унда инсонни ҳақ йўлга даъват қиладиган, комилликка эришишга чорлайдиган мўътабар манбалардаги мулоҳазалар келтирилади. «Қуръони Карим» ва ҳадиси шарифда баён қилинган мулоҳазаларга мурожаат қилинади. Боязид Бистомий, Ибн Сино, Муҳаммад Ғаззолий, Юсуф Ҳамадоний, Нажмиддин Кубро, Фаридиддин Аттор, Жалолиддин Румий, Хожа Аҳрор Валий, Фахруддин Али Сафий, Алишер Навоий, Ҳусайн Воиз Кошифий, Бобур, Сўфи Оллоҳёр каби алломаларнинг асарларидан тасаввуфий қарашлар саралаб келтирилади.

**Нафс, манфаат илинжи одамларни ҳамиша турли куйларга солади.**

«Ўзбек мумтоз адабиёти намуналари» мажмуаси ҳам шундай қимматга эга. Чунки исломгача бўлган туркий адабиёт намуналари ва исломдан кейинги давр ўзбек адабиётининг мумтоз асарларидан лавҳалар жамланган. Унда қадимги миф ва афсоналар, «Авесто»дан парчалар, мониийлар тавба-изҳорини ифодалаган шеърлар, Урхун-Енисей ёдгорликлари, Ирқ битиги, Ўғузхон ҳақидаги достон, «Олтин ёруқ»дан парчалар келтирилган ва улар туркий халқларнинг қадимий муштарак адабий мероси эканлиги таъкидланган. Исломдан кейинги давр адабиётининг энг эътиборли асарлари сифатида Абу Наср Саолибий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Маҳмуд Кошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний, Адиб Аҳмад Югнакий, Носириддин Рабғузийнинг турли китобларидаги энг муҳим ўринлар тақдим қилинган. Жалолиддин Румийнинг «Маснавийи маънавий», Рашидиддин Фазлуллоҳ Ҳамадонийнинг «Жомеъу таворих», Маҳмуд ибн Али ас-Саройининг «Наҳж ул-фародис» асаридан ҳам қимматли иқтибослар тақдим қилинган.

Ушбу мажмуада ҳам худди «Ислом тасаввуфи манбалари»даги каби ҳар бир асар ва унинг муаллифи ҳаёти ва ижоди тўғрисида мухтасар маълумот берилган. Бу маълумотлар ҳам муайян тушунча ҳосил қилиб, тарих тўғрисидаги тасаввуримизни теранлаштиради.

Умуман, профессор Насимхон Раҳмонов томонидан тайёрланган «Ўзбек мумтоз адабиёти намуналари» (1-жилд) ҳамда профессор Ҳамидулла Болтабоев жамлаб тартиблаштирган «Ислом тасаввуфи манбалари» мажмуалари ўзига хос бадиий, илмий, маънавий-маърифий хазина сифатида аждодларимизнинг Одам ва Олам муаммоларини англаш, идрок этиш, бадиий гавдалантириш борасидаги тафаккури тараққиёти тўғрисида теран тасаввур беради.

**Абдулла УЛУҒОВ**

# КИТОБ — ақл қалъаси

**ЎзМТДП Бухоро тумани кенгаши раиси Омон ака ЗАРИПОВ билан қисқача мулоқот.**

— **Омон ака, Бухорода "Миллий тикланиш"чилар сафи кенгайиб бораётганидан мамнунмиз.**

— Машойихлар Самарқанд ер юзининг сайқали, Бухоро ислом динининг қуввати, деб бежиз айтмаганлар. Бу муқаддас заминда яшаб ўтган улуғ аждодларимизнинг номларини санасак, газетамизнинг саҳифалари ҳам етмай қолади. Ислом илми — дунёвий билимларни мукаммал эгаллашга имкон яратувчи энг ишончли омил. Сафдошларимизнинг кўпчилиги зиёлилар, олимлар, ижодкорлар, маънавиятни моддиятдан устун билгувчи, юртини улуғловчи фидойи кишилардир.

"Галаосиё овози" газетаси бош муҳаррири, шоир Бахшилло Ражабов, туман марказий касалхонаси бўлими бошлиғи Саттор Фаттоев, иқтидорли болалар лицей-интернати директори ўринбосари Нажмиддин Жумақулов, "Наврўз" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Абдувоҳид Қозиевлар шундай инсонлардир.

— **Республика маданият ва спорт ишлари вазирлиги ўтказган "Китобхон оила" кўрик-танловида ғолиб бўлгансиз. Шундай сафдошимиз борлигидан ғурурланиб юрамиз.**

*Китоб барча бунёдкорлик, яратувчанлик ва ақл-идрокнинг, илму донишнинг асосидир. Ҳаётни ўргатувчи мураббийдир.*
*АМИР ТЕМУР*

— «Китоб — ёлғизликдаги энг мунис ҳамдам», деган эди улуғлардан бири. Бизнинг Кангав қишлоғида китоб ўқимайдиган хонадоннинг ўзи йўқ. Ўзимнинг шахсий кутубхонамда ўн бир мингдан ортиқ китобим бор. Бу китобларнинг аксарияти қидириб, топиб олинган. Айрим китобларни ўн, ҳатто ўн беш йил қидириб топганман. Айримларини эса беш-олти маротаба қайта-қайта ўқиб чиққанман. Жек Лондоннинг "Мартин Иден", Абдулла Қодирийнинг "Ўткан кунлар", "Меҳробдан чаён" каби асарларини ўқиганинг сари руҳинг кўтарилади. Қувониб-қувониб юраман, фарзандларим ва набираларимнинг ҳаммаси китобга меҳр қўйишган. Мен учун бу катта бахт.

— **Омон ака, тасодифни қарангки, сиз туғилган кунда учрашиб турибмиз. Табаррук 65 ёшингиз муборак бўлсин, зиёсевар қалбингиз қувончларга тўлсин!**

**Мансур ҚОДИРОВ ёзиб олди**

Миллий тиклаиш — миллат келажаги
MILLIY TIKLANISH

# РАХИТ ҚАНДАЙ КАСАЛЛИК?

**Баъзи болаларнинг бош қисми гавдасига нисбатан каттароқ бўлади ёки оёқ суяклари қийшайгандек кўринади. Бу қандай касаллик аломати? Уни даволаш усуллари қандай?**

Бу касаллик, асосан, 1 ойлик чақалоқлардан икки ёшгача бўлган болаларда кўпроқ учрайди. Рахит — Д витамин етишмаслиги сабабли калций ва фосфор алмашинувининг бузилиши натижасида келиб чиқади. Организмда бу витаминнинг етишмаслиги ичакда калций ва фосфор бузилишига олиб келади, натижада бу минерал моддалар қонда ва суяк тўқимасида камайиб кетади. Суяклар юмшоқ ва осон эгилувчан бўлиб қолади. Касалликнинг бошланғич белгилари бола бир ярим, икки ойлик бўлганда аниқланади ва бола 3-6 ойлик бўлганда, кўзга яққол ташланади. Касаллик аломатларини боланинг кўп безовта бўлиши, уйқуси нотинч, чўчиб уйғонадиган ва инжиқ бўлиб қолишидан сезиш мумкин. Бундай вақтда боланинг бош қисми кўп терлайди, унинг сочлари тер билан қотиб, бош терисини қичиштиради. Бола бошини тинмай ёстиққа ишқайвераді, натижада орқа томондаги сочлари тўкила бошлайди. Касалликнинг бошланиш даври 2-3 ҳафтадан то 2-3 ойгача давом этиши мумкин.

Агар касаллик бошланиш даврида даволанмаса, авж олиш даврига ўтиб кетади. Бу даврда суякларда ўзига хос ўзгаришлар кузатилади. Катта ва кичик лиқилдоқларнинг четлари юмшаб қолади, бош чаноғининг шакли ўзгаради. Ясси суяклар юмшаши натижасида бош тўртбурчак шакл олади, боланинг пешонаси бўртиб чиқади. Кейинчалик кўкрак қафаси ва бола ўтира бошлаганда умуртқа, оёққа тура бошлаганда эса оёқ суяклари қийшаяди. Кўкрак қафаси эса олдинга бўртиб чиқади ёки аксинча, тўш суяги ичкарига қараб қолиши мумкин. Сон ва болдир суяклари «О» ва «Х» ҳарфсимон тарзда қийшаяди. Рахитга чалинган боланинг тиши кеч чиқади. Қорин мушаклари таранглиги пасаяди ва натижада боланинг қорни катталашади (қурбақа қорин бўлиб қолади). Юрак, қон-томир системаси фаолияти ҳам ўзгаради, жигар ва талоқ катталашади. Бундай болаларнинг қонлари таркибида темир моддаси камайиб камқонлик касаллигига дучор бўлишади.

**Саломатлик бурчаги**

Рахит касаллигига чалинган болаларда ҳар хил юқумли касалликларга чалиниш даражаси юқори бўлади. Айниқса, зотилжам, ўткир ичак ва юқори нафас йўллари вирусли касалликларини осон юқтириб оладилар. Уларнинг организмларида соғлом болаларга нисбатан касалликни енгиш жараёнлари анча қийин кечади.

Она сути билан боқиладиган болаларда сунъий йўл билан боқилувчи болаларга нисбатан рахит бирмунча кам учрайди, чунки она сутидаги калцийнинг организмга сўрилиши сигир сутидагига нисбатан уч баробар юқори бўлади.

Рахитни даволаш касаллик даврига асосланган-дир. Бунда бола овқатининг таркибида калций, фосфорга бой бўлган таомлар бўлиши ўта муҳим. Рахитга чалинган болаларга дастлабки қўшимча овқат беришни соғлом болаларга нисбатан бир ой олдин, энг яхшиси, сабзавотли пюредан бошлаш лозим. Боланинг овқати таркибига ўз вақтида мева шарбатлари, қирилган олма, тухум сариғи киритилиши лозим. Болани тоза ҳавода сайр, енгил жисмоний машғулотлар қилдириб туриш ва уқалаш муҳим аҳамиятга эга. Рахитни даволашнинг асосий махсус тадбири витамин Д билан даволашдир. Бу муолажа фақатгина шифокорнинг тавсияси бўйича олиб борилади.

Рахит профилактикаси бола туғилганга қадар ва бола туғилгандан сўнгги даврларда олиб борилади. Ҳомиладор аёллар оқсил, микроэлементлар ва витаминларга бой овқат маҳсулотларини истеъмол қилишлари лозим. Ҳомиладорликнинг охирги уч-тўрт ойида врач тавсияси бўйича кунига витамин Д ичилади.

Бола туғилгандан кейин унинг рахит бўлмаслиги учун энг муҳим омиллардан бири она сути билан эмизилишидир. Бола икки-уч ҳафталик бўлганда кунига белгиланган миқдорда витамин Д бериб борилиши керак. Бундан ташқари, қўшимча овқатларни ўз вақтида бериш лозим.

**Клара ЖЎРАЕВА,**
**олий тоифали шифокор**

## "РЕВИЗОР"НИ КЎРГАНМИСИЗ?

Бундан роппа-роса етмиш йил аввал — 1936 йилнинг 19 апрелида Санкт Петербургдаги Александр театрида Н.В.Гоголнинг "Ревизор" асари саҳнага чиққанди. Бу асар ҳанузгача саҳналарда ижро этилаётир.

## КАШАНДАНИНГ УМРИ СИЗНИКИДАН ҚИСҚА

Сўнгги кунларда Белгиянинг қўпгина шаҳарларида чекишга қарши курашга чақирувчи ноанъанавий реклама плакатлари пайдо бўла бошлади. Плакатларнинг бирида "Кашандаларга нисбатан ҳушёр бўлинг, уларнинг умри сизникига нисбатан қисқалиги аниқ", деган чақириқни кўриш мумкин. Белгия Соғлиқни сақлаш вазирлиги бу каби даъватларни киноявий тарзда тарғиб қилишни кашандалар сонини камайтиришнинг муносиб чораси, деб билди.

Тамакини қораловчи киноявий рекламалар нафақат эълон тахтачаларида, балки Белгиянинг барча оммавий ахборот воситалари — телевидение, радио, газета ва журналларда ҳам намоён бўлмоқда.

# Халқаро воқеалар

## ПОКИСТОН ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИГА АЪЗО БЎЛМОҚЧИ

**Покистон 2006 йил июн ойида бўлиб ўтадиган навбатдаги саммитда унинг Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо бўлиш ҳақидаги илтимоси кўриб чиқилишига умид билдирмоқда.**

Бу ҳақда Пекинда Покистон стратегик тадқиқотлар марказининг Шарқий Осиё бўлими раҳбари Фозил Раҳмон маълум қилган. «Биз Покистоннинг тенг ҳуқуқли аъзо сифатида ШҲТга қабул қилиниши масаласи июнда бўлиб ўтадиган навбатдаги саммитда кўриб чиқилишига умид билдирамиз», — деб маълум қилган Фозил Раҳмон. Унинг маълум қилишича, Покистон президенти Парвез Мушарраф 2006 йил феврал ойида Хитойга қилган ташрифи чоғида ШҲТ котибиятига бу хусусдаги илтимосни топширган.

## РОССИЯ ДАВЛАТ ДУМАСИ «ДОЛЛАРНИ ТАЪҚИҚЛАМОҚЧИ»

**Россия Давлат Думаси аҳолининг долларга бўлган «эътибори»ни камайтириб, миллий валюта қадрини бир қадар кўтариш ниятида. Келгусида маҳсулот нархини долларда кўрсатган компаниялар ва уларнинг раҳбарияти жарима тўлашларига тўғри келади. Аммо мутахассислар юзага келган ҳолатни фақатгина миллий валюта — рублни мустаҳкамлаш билан эришиш мумкинлигини таъкидлашмоқда.**

Давлат Думаси муҳокамасига Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодексга ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги қонун лойиҳаси тақдим этилди. Уларга кўра, маҳсулот ва хизматларга доллар қийматида таннарх қўйганлик учун жарима жазоси белгиланади. Агар бу ўзгартиришлар қабул қилинса, жарима миқдори 50-100 минг рублни ташкил этади. Бундай ҳуқуқбузарликка йўл қўйган фирма раҳбари эса 4-5 минг рубл жарима тўлашига тўғри келади.

«Нархнинг доллар қийматида белгиланиши миллий валютага бўлган ишончни сусайтиради», — дейилади ўзгартиришларга илова қилинган кузатув хатида. Шу билан биргаликда, агарда нархлар бир вақтнинг ўзида ҳам рублда, ҳам долларда кўрсатиладиган бўлса, жарима тўланмайди.

## ЕВРОПАНИ СУВ БОСМОҚДА

**Шарқий Европани сув босмоқда. Кутқарувчиларнинг ҳаракатлари эса ҳозирча унча самара бермаяпти. Яқин орада яна кучли ёмғирлар ёғиши кутилаётир.**

Мутахассислар Дунай дарёсида сув кўтарилиши миқдорини сўнгги 100 йил ичидаги энг баланд кўрсаткич, дея баҳолашмоқда. Табиий офат билан курашиш учун Руминия, Болгария, Черногория давлатлари армиялари ташланган. Ҳукумат аҳоли яшайдиган жойларга сувни яқинлаштирмаслик учун 95 минг гектар дала майдонига сув ҳайдашга буйруқ берган. Руминияда сув босган уйлар эгаларининг кўз ўнгида қулаб тушмоқда.

Ҳозирча қурбонлар ҳақида хабарлар тарқатилмаган. Сербияда 10 та одам бедарак йўқолган. Табиий офат натижасида кўрилган моддий зарар миллионлаб еврони ташкил этади. Ўтган йили бўлиб ўтган сув тошқини Руминия хазинасига бир ярим миллиард евро зарар келтирганди.

## ИСРОИЛ УНГА НИСБАТАН «УРУШ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ», ДЕБ ҲИСОБЛАЙДИ

**«Эрон, Сурия ва Фаластиннинг янги ҳукумати раҳбарлари ҳаракатларини Исроил «унга нисбатан уруш эълон қилиш» деб баҳолайди». Бу ҳақда душанба куни Исроилнинг БМТдаги доимий аъзоси Дан Гиллерман маълум қилган.**

Исроил давлати вакили Эрон ва Сурияни «Хамас» ҳаракати ва Ливанда фаолият кўрсатаётган «Хезболлоҳ» гуруҳини молиялаштираётганликда айблаган.

Эслатиб ўтамиз, душанба куни Тел-Авивда террористнинг ўзини-ўзи портлатиб юбориши натижасида 9 киши ўлган, 60 дан ортиқ одам жароҳат олган. Маълумотларга қараганда, террорист 16 ёшда бўлган ва «Ислом жиҳоди» гуруҳига аъзо ҳисобланган. Шу гуруҳ теракт учун жавобгарликни ўз бўйнига олган. Аммо хориж матбуотида ёзилишича, сабабчилар орасида тўғридан-тўғри «Хамас» гуруҳи номи ҳам тилга олинган. Оқ уйнинг расмий вакили Скотт Маклеллан: «Бу каби терактларнинг олдини олиш масъулияти Фаластин ҳукумати зиммасида ётибди», — дея баёнот берган. Бошқа ғарб давлатлари ҳам Тел-Авивда содир этилган ва сўнгги бир ярим йил ичида энг қонлиси бўлган бу террористик ҳаракатларни қоралаган.

Бу теракт Исроилнинг янги сайланган парламенти қасамёд қабул қилишига бир неча соат қолганда содир қилинган.

Маълум қилинишича, Исроил армияси танк қисмлари Наблус шаҳрига кирган, вертолётлар Ғазо ҳудудини ўққа тутган. Ҳукумат қатъий чоралар кўришга ваъда берган. Воқеаларга алоқадорликда айбланиб, ҳозирга қадар уч нафар шахс ҳибсга олинган.

## ЭРОН МУАММОСИ МОСКВАДА МУҲОКАМА ЭТИЛАДИ

**«Вето» ҳуқуқига эга бўлган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашига аъзо беш давлат, шунингдек, Германия давлати вакиллари сешанба куни Москвада учрашадилар. Унда Эрон ядро дастури муаммоси муҳокама этилиши режалаштирилмоқда.**

Москва учрашувининг ўтказилишига расмий Техроннинг уранни атом электростанцияларини таъминлаш учун зарур миқдорда қайта бойита олишга эришганлиги ҳақидаги баёноти сабаб бўлган. Бу эса БМТ Хавфсизлик Кенгашининг Эрон тарафи ядро дастурининг ҳар қандай кўринишини тўхтатиши зарурлиги тўғрисидаги талабларига зид келади.

Қатор Ғарб давлатлари Эроннинг бу ҳаракатларини ядро қуроли яратишга уриниш, дея баҳоламоқда, аммо расмий Техрон бу ҳолатни рад этгани ҳолда, уранни қайта бойитиш дастури фақатгина атом энергетикасини ривожлантиришга қаратилганлигини таъкидламоқда.

Бу учрашувда Эронга нисбатан қандай чоралар қўлланилиши мумкинлиги ҳал этилиши кутилмоқда. Учрашув арафасида иштирокчи давлатлар бу масала бўйича турлича фикр билдиришган. Россия ва Хитой бу масалани дипломатик йўл билан ҳал этиш зарурлигини қайд этишмоқда. Шу ўринда Вашингтон Хавфсизлик Кенгашини Эронга нисбатан қатъий чоралар кўришга чақирмоқда.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди**

## ИККИ ҚЎЙГА БИР МИЛТИҚ

— Бир йигит тушлик пайтида уйимга келиб, милтиқ кераклигини айтди. Мен унга "Баёт" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Болта Дурматовга учрашгин, дедим. Битта ҳужжати бор қуролим борлигини айтдим. Ўша қуролни кўриб келгин, ёқмаса, менда яна битта ҳужжати йўқ қурол бор, агар милтиқ ёқса, 80 минг сўм бериб, олиб кет, дедим унга. У : "Менда қўй бор, бўладими?", — деди. Хуллас, ўша ҳужжатсиз милтиқни икки бош қўйга айирбошлайдиган бўлдик.

Рўзиқул Азимов тергов жараёнида ана шундай кўрсатма берди. У билан милтиқни савдолашган йигит — Тўлқин Мирзаев ўша куннинг ўзидаёқ кеч соат тўққизларда Рўзиқулнинг уйига икки бош қўйни олиб келиб берди. Рўзиқул қўйларни кўриб суюниб кетди ва милтиқни унга бериб юборди.

Воқеадан милиция хабар топди. Иш терговга ошди. Рўзиқул воқеанинг бундай тус олишини кутмаганди. У тергов даврида айбдорлигини тан олиб, "тарихи"ни изоҳлади:

— Ов милтиғини бундан 3-4 йил олдин "Денгиз кўл" сув ҳавзасига борганимда топиб олган эдим. Ўқ отар ов қуролини уйда сақлаш учун уни ҳужжатлаштириш кераклигини билардим. Қуролни тегишли тартибда расмийлаштирмоқчи эдим, ташвишлар билан шунга улгурмадим. Қуролни ишлатмаганман, биров ҳам ундан фойдаланмаган.

Милтиқ сотиб олиш тасодифан юз бермаганди. Ички ишлар бўлимининг ҳушёр ходими уларнинг қинғир ишини фош этишда "тузоқ" йўлидан фойдаланди.

«Қимматга тушган милтиқ»нинг эгаси қилган ишидан пушаймон, энди тўғрилик сари интилса, ажаб эмас.

**Алишер ХАИТОВ,**
**Олот тумани прокурори**

Пойтахтдаги Ўзбекистон — Япония марказида «Японлар — кимлар улар?» китобининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Китоб муаллифи Ўзбекистон Бадиий академияси санъатшунослик илмий тадқиқот институтининг бўлим мудири, Германия Археология институтининг мухбир аъзоси Баҳодир Турғунов 1989 йилдан бери япон олимлари билан илмий шартнома асосида экспедиция раҳбари сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда. Қадимшунос олим сифатида ҳозиргача Ўрта Осиёда 100 дан ортиқ экспедиция текширувларини уюштирган олим кўп йиллар давомида Японияга қилган илмий сафарлари натижасида олган таассуротлари асосида японларнинг урф-одатлари, қадимий шаҳарлари, архитектура, археология обидалари, музейлари, замонавий иншоотлари, техникаси ва бошқалар ҳақида маълумотлар берган.

# ЯПОНЛАР — КИМЛАР УЛАР?

Тақдимот маросимида сўзга чиққанлар ушбу китобнинг Ўзбекистоннинг жаҳонга чиқиши ҳамда Япония билан бундан буён илмий, маданий ва иқтисодий алоқаларни янада ривожлантиришдаги аҳамияти ҳақида фикр юритдилар.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ,**
**доцент**

Таҳририятларга тез-тез келиб тураман. Газетада мақолаларим билан қатнашиб бораман.

Қорақалпоғистондан Тошкентга, Олий адабиёт курсига ўқишга келганимдан буён биринчи марта қалам ҳақи олдим. Авваллари қўлимга пул тушса, энг аввал меҳрибон онажонимга берардим. Онам дуо қилардилар.

# Онамнинг дуосини СОҒИНДИМ

Бугун эса онамдан анча йироқдаман. Таҳририятда Гулбаҳор деган бир ижодкор опам бор. Мен уни жуда ҳурмат қиламан.

Қалам ҳақидан бир қисмини ўша опамга илиндим. Олмадилар.

— Олаверинг. Мен ҳамиша топганларимни онамга бериб, дуо олардим. Энди сиз дуо қиласиз...

Гулбаҳор опа пулни олмаса ҳам тилак қилди:

— Илоҳо, яхши жойлардан келин ато қилсин!

Онам ҳам худди шундай дуо қилардилар.

**Ўлмасбек ХЎЖАЕВ**

*• Бозорда*

## «ИЛОҲИМ, ҚИЗИМ БОЗОРЧИ БЎЛМАСИН...»

Янги Чиноз бозорига балиқ ейишга тушдик.

Бозор шундоққина катта йўлнинг ёнгинасида бўлгани учун ўтган-кетганлар орасидан харидорлар топилади доим. Бу ерда балиқни қовуриб ҳам сотишади. Ёғ қиздирилган қозоннинг ҳовури, хушмуомалалик билан савдо қилаётган сотувчилар, харидорлар учун тайёрланган ўриндиқлар... ҳамма-ҳаммасини бир-бир кузатдим. Буюртмамиз тайёр бўлгунча, орадаги вақтдан фойдаланиб, сотувчи аёл билан гаплашиб турдим.

Чой ташиётган қизга ишора қилдим:

— Қизингизми?..

— Йўқ. Битта-ю битта қизим бор. Мактабда ўқийди. Бахтини берсин. Илоҳим, қизим бозорчи бўлмасин. Бозор азобларини мен тортганим етар.

Аёлнинг бу гапидан, тўғриси, унинг «касби»дан кўнгли тўлмаётгани сезилиб турарди. Ич-ичимда ғалати ҳис пайдо бўлди. Тақдир тақозосими, эрларнинг нотавонлигими, билмадим... негадир бозорга чиққан аёллар ҳақида ўйлай бошладим.

«Бозор шайтоннинг масжиди», деганлари ёдимга тушди. «Аёлнинг топгани юзга етса ҳам, тузга етмайди», дейди у. Ростданам шундаймикан?

Бозордан бахт топаётганлар қанча, деб унинг кўнглини кўтардим.

— Э, бундай бахт — омонат бахт.

Суҳбат жуда қизиётганида, қарашларидан тортиб юриш-туришлари-ю кийинишларигача эркак мисол бир жувон балиқнинг нархини сўраб қолди. Сотувчи аёл «бойвачча» харидорга балиғини мақтаб кетди. Айтар сўзим дилимда қолди:

— Қизингиз, албатта, бахтли бўлади...

Нима бўлганда ҳам, бозорчи опанинг қизи бахтли бўлсин!

**Ўринбой КЕНЖАЕВ**

## КЎЗИНГНИ ОЧ, АХИР СЕН АЁЛСАН!

Оилада ногирон фарзанд дунёга келди. Бунга енгилоёқ аёл сабабчи бўлди. Бу касални жирканчлигидан номини тилга олишдан уяласан киши.

Енгил аёлнинг бебошлиги оқибатида умрбод мажруҳ бўлиб туғилган гўдакнинг уволи кимнинг бўйнида? Яна шундай касаллик оқибатида не умидлар билан тузилган оилалар барбод бўлаётганлигини билиб туриб, билмасликка оламиз...

Бекобод туманида "Аёллар тери-таносил касалликлари" мавзуида ўтказилган давра суҳбатида шулар ҳақида минг афсуслар билан гапирилди. Туман хотин-қизлар қўмитаси , марказий шифохона, "Саломатлик маркази", "Соғлом авлод" жамғармаси вакиллари оилада тиббий маданиятни ошириш, аёллар фарзандлари келажаги учун жавобгар эканлиги ҳақида тушунтиришлар беришди.

Туманда бундай юқумли касалликлар камайган бўлса-да, хотиржамликка асос йўқ, бундай касалнинг биттаси ҳам кўплик қилади.

**Нигора ЎРОЛОВА,**
**ЎзДЖТУ талабаси**

Муассис: «Миллий тикланиш» демократик партияси

Миллий тикланиш — миллат келажаги
MILLIY TIKLANISH

Таҳрир ҳайъати

Телефонлар:
қабулхона — 133-67-51, 136-56-29,
бўлим — 136-58-80,
реклама ва эълонлар бўлими — 136-58-73

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Саҳифаловчи: Шерзод ХАЙИТМУРОДОВ
Босишга топшириш вақти 20.00
Нашр кўрсаткичи — 158

Газета 014-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г — 623.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Адади 2146
Сотувда эркин нархда

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топширилди 20.00